

## 2 – масала

### “Қурилиш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар ҳамда илмий кенгашининг фаолияти тўғрисида”ги масала юзасидан Илмий кенгашининг 2013 йил 4 июл 9/1-сонли қарори

“Қурилиш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар ҳамда илмий кенгашининг фаолияти тўғрисида”ги масала юзасидан ўрганиш комиссияси раиси **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахборотини тинглаб, ҳамда муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

“Қурилиш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш жараёнида амалга оширилган бир қатор ижобий ишларни кузатиш мумкин. Жумладан, факультет кафедраларида ўқитилаётган барча фанлардан ишчи дастурларнинг ва деярли барча фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуаларнинг мавжудлиги, факультет профессор-ўқитувчиларининг халқаро, республика ва институт миқёсидаги илмий анжуманларда фаъл иштироки, ёш олимлар тамонидан охириги йилларда **1 та номзодлик диссертацияси** химоя қилинганлиги, факультет илмий салоҳиятининг 58%ни ташкил этиши, “Мураббийлар кенгаши” фаолияти ва гуруҳ мураббийлари фаолиятининг яхши йўлга қўйилганлиги, факультет талабалари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчилик ҳолатлари содир этилмаганлиги, факультетда амалга оширилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий, спорт-соғломлаштириш ишларининг яхши йўлга қўйилганлигини санаб ўтиш мумкин.

Шу билан бир қаторда, юқорида текширилган соҳалар бўйича маълум миқдорда камчиликлар ҳам аниқланди. Хусусан, факультетдаги мавжуд кафедраларида ўқитиладиган фанлар бўйича **ўқув-услубий мажмуалар 100% тайёрланмаган**, жумладан;

–“Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси ва машиналар” ва “Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси” кафедрасида **рус тилидан**, “Геотехника ва автомобил йўллари” кафедрасида ўқитиладиган 16 та фаннинг **12 тасидан**, “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш” кафедрасида ўқитиладиган 18 та фаннинг **12 тасидан**, “Қурилиш конструкциялари” кафедрасида ўқитиладиган 10 та фаннинг **7 тасидан**, “Био-иншоотларни лойихалаш ва сервис” кафедрасида ўқитиладиган 44 та фаннинг **12 тасидан** ўқув-услубий мажмуа тайёрланмаган.

–“Геотехника ва автомобил йўллари”, “Био-иншоотларни лойихалаш ва сервис”, “Қурилиш конструкциялари” кафедралари жойлашган қаватлар ва ўқув хоналари ўқув-услубий кўргазмалар ҳамда ҳозирги кун **миллий истиқлол ғояси талаблари асосида етарлича жихозланмаган**.

“Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси”, “Геотехника ва автомобил йўллари”, “Қурилиш конструкциялари” кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан “Талабалар турар жойи”да ўтказилган **маънавий-маърифий тадбирларининг баённомалари тўлиқ расмийлаштирилмаганлиги аниқланди**.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва камчиликларни эътиборга олган ҳолда

#### Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Қурилиш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий-маърифий ишлар ҳамда Илмий кенгашнинг фаолияти ҳақида”ги масала юзасидан ўрганиш комиссияси раиси **Ғ.Х.Яхшибоевнинг** ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. “Қурилиш” факультетида амалга оширилаётган ўқув, услубий, илмий, маънавий ва тарбиявий ишлар ҳамда илмий кенгашнинг фаолияти **қониқарли** деб топилсин.
3. Факультет кафедраларда ўқитиладиган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар 100% тайёрланмаганлиги учун З.Ю.Негматов, Б.И.Саидмуродов, Э.С.Тулаков, Б.Ш.Шамуродов, А.Мадатов ва С.Қ.Тошевларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилсин ва **2013 йил сентябр ойигачи** кафедраларда ўқитиладиган барча фанлардан ўқув-услубий мажмуалар тўлиқ тайёрлансин. **Маъсуллар:** Факультет декани ва кафедра мудирлари.
4. Кафедраларда ўқитиладиган очик дарслар институт илмий-услубий кенгаши томонидан 2008 йил 29 январда тасдиқланган (баённома №6) “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўқатиш

тартиби тўғрисида ички Низом” талабларига мувофиқ олиб борилсин ва расмийлаштирилсин. **Маъсуллар:** Ўқув бўлими бошлиғи, факультет декани, ва кафедра мудирлари. **Муддати:** Ўқув йили давомида.

5. «Геотехника ва автомобил йўллари», «Қурилиш конструкциялари» ва «Био иншоатларни лойихлаш ва сервис» кафедралари жойлашган қаватлар ва ўқув хоналари ўқув-услугий кўргазмалар ҳамда ҳозирги кун миллий истиқлол ғояси талаблари асосида етарлича жихозлансин. **Маъсуллар:** Факультет декани ва тегишли кафедра мудирлари. **Муддати:** Бир ой.
6. Ўрганиш комиссияси томонидан факультет ва кафедралар бўйича аниқланган камчиликлар масъул мутасаддилар томонидан бартараф этилсин. **Маъсуллар:** “Қурилиш” факультет декани ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2013 йил 1 сентябргача.
7. Ушбу қарорнинг бажарилишини наозрат қилиш маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор **Ғ.Х.Яхшибоев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

**“Институт кафедралари ва факултетларининг бириктирилган АЛ ва КХКларида таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича 2012-2013 ўқув йилида ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2013 йил 4 июл 10/1-сонли қарори**

**“Институт кафедралари ва факултетларининг бириктирилган АЛ ва КХКларида таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича 2012-2013 ўқув йилида ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида”ги масала юзасидан АЛ ва КХКлари билан ишлаш бўйича проректор в.б. Ў.С.Сирожиддиновичнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.**

Факултетлар ва кафедралар профессор-ўқитувчилари саъй-ҳаракатлари билан ўтган ҳисобот даврида институтимизга бириктирилган турдош АЛ ва КХКлар билан ҳамкорликда таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини яхшилаш, ўқитишга инновацион ёндашувларни жорий этиш, шунингдек, муҳандис педагог ходимларнинг малакасини оширишда “Қурилишни бошқариш” факультети (Декани А. Рахимов, АЛ ва КХКлар билан ишлаш бўйича масъул Пулатов З.М), институт кафедраларидан “Касбий таълим” (А.Қ.Рахимов), “Информатика ва Ахборот технологиялари” (У.Назаров), “Тиллари ўрганиш” (М.Ш.Султанова), “Қурилиш ишлаб чиқариш технологиялари ва машиналари” (Б.Саидмуратов), “Сув таъминоти ва канализация” (О.Ж.Жўраев) кафедралари профессор-ўқитувчиларининг фаоллиги алоҳида ажралиб турди.

КХКлардаги педагог кадрларнинг савиясини кўтариш, уларда таълим жараёнида илғор педагогик, ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда АРМ ва интернет маълумотларидан фойдаланиш усулларини ўргатиш мақсадида институтга бириктирилган КХКлари ўқитувчиларининг инглиз тили ва интернетдан фойдаланиш даражаларини ошириш бўйича январ-май ойларида “**Инновацион ва педагогик технологияларни қўллаш**“, “**Амалий инглиз тили**” ва “**Интернет саводхонлиги**” дан **40 та** Семинар-тренинглари ташкил этилган.

Ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик маҳоратини ошириш учун асосий ва мутахассислик фанлари бўйича намунали “Очиқ дарс” лар ва “мастер-класс” усулида ўқув машғулотларини ўтказиш ижобий самара бераётганлигини ҳисобга олиб, институтнинг 12 кафедралари жалб этган ҳолда ҳисобот даврида бириктирилган КХКларида 37 та “очиқ дарс” ва мастер-класс ўтказилган. Уларда “Архитектура тарихи ва назарияси”, “Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш”, “Қурилиш ишлаб чиқариш технологиялари ва машиналари”, “Физика ва математика”, “Иқтисодиёт ва кўчмас мулк экспертизаси”, “Тилларни ўрганиш” “Социология ва иқтисодиёт назарияси” кафедралари ўқитувчилари фаол иштирок этганлар.

КХКларида етишмаётган ўқув адабиётлари ўрнини тўлдириш мақсадида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан 2012-2013 ўқув йили давомида **6 та ўқув қўлланма** тайёрланиб ЎМКХТ Марказига, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш учун **9 та услубий кўрсатмалар** тайёрланиб, КХКларига етказиб берилган.

Лекин АЛ ва КХКлар билан ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш ишлари “Архитектура” факультети, “Қурилиш конструкциялари”, “Бино-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис”, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедраларида талаб даражсида эмаслиги кузатилди.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида

**Илмий кенгаши қарор қилади:**

1. “Институт кафедралари ва факултетларининг бириктирилган АЛ ва КХКларида таълим-тарбия сифатини ошириш бўйича 2012-2013 ўқув йилида ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида”ги масала юзасидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректор в.б. Ў.С.Сирожиддиновичнинг ҳисоботи тасдиқлансин ва ижобий қабул қилинсин.
2. Институт кафедралари етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан АЛ ва КХКларида фанларни ўқитиш бўйича “мастер-класс”лар ва семинар-тренинглари ташкил этилсин ва

- касбий тарғибот ишлари олиб борилсин. **Масъуллар:** АЛ ва КХКлар билан ишлаш бўлими, кафедра мудирлари. **Муддати:** Доимий.
3. Кафедралар асосий штатида бўлган профессор- ўқитувчиларининг камида 2 нафари худуддаги АЛ ва КХКларининг ўқув машғулотларига жалб этилсин. **Масъуллар:** АЛ ва КХКлар билан ишлаш бўлими, кафедра мудирлари ва кадрлар бўлими бошлиғи. **Муддати:** 2013 йил 15 августгача.
  4. Вилоят туманларидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўриндошлик ёки соатбай фаолият юритаётган институтнинг профессор-ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида тегишли тавсиялар асосида ойлик маошларига 5 % миқдорда устама белгиланишига рухсат берилсин. **Масъуллар:** АЛ ва КХКлар билан ишлаш бўлими, режа-молия бўлими ва кафедра мудирлари. **Муддати:** 2013-2014 ўқув йили давомида.
  5. СамДАҚИ қошидаги академик лицейлар битирувчиларининг ОТМларга кириш кўрсаткичларини ошириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар ижроси таъминлансин ва натижалари бўйича академик лицейлар директорларининг ҳисоботи Илмий кенгашнинг сентябр ойидаги йиғилишида кўриб чиқилсин. **Масъуллар:** АЛ ва КХКлар билан ишлаш бўлими, кафедра мудирлари, лицей директорлари. **Муддат:** 2013 йил сентябр ойигача.
  6. “Қурилиш конструкциялари”, “Бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва сервис”, “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” ва “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраларида бириктирилган КХКлар билан ҳамкорлик ишлари бўйича фаолият кучайтирилсин. **Масъуллар:** кафедра мудирлари Б.Шомуродов, Э.Тўлаков, Ш.Узаков, Д.О.Жўракулов. **Муддати:** 2013-2014 ўқув йили давомида.
  7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш АЛ ва КХКлари билан ишлаш бўйича проректор в.б. **Ў.С.Сирожидинов** зиммасига юклатилсин.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

## 5 – масала

### Ҳар хил масалалар.

Кун тартибдаги ҳар хил масалалар бўйича сўз **Р.Т.Эшмаматов**га берилди.

I. “Ёш олимлар кенгаши” Низомини тасдиқлаш тўғрисида.

#### Эшитилди:

Илмий кенгаш раиси номига илмий ишлар бўйича проректор **Э.Х.Исаков**нинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 2 майдаги 144 сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида тузилган Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг **Ёш олимлар кенгаши НИЗОМИ**ни тасдиқлаш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

#### Илмий кенгаш қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 2 майдаги 144-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида тузилган Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг **Ёш олимлар кенгаши НИЗОМИ** тасдиқлансин.

II. “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи 2013” Республика танловига тавсия бериш тўғрисида.

#### Эшитилди:

1. Техника фанлари доктори, профессор, академик **Т.Ш.Ширинқулов**, техника фанлари доктори, доцент **К.Исмайлов** ва техника фанлари номзоди, доцент **А.Т.Қўлдашев**ларнинг 2012 йил “Тафаккур бўстони” нашриётида (Тошкент) чоп этилган “**Эластик пластинкалар ҳисоби**” номли ўқув қўлланма;

2. “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси профессори **А.Ўралов** ва бошқалар томонидан тайёрланган “**Архитектуравий лойиҳалаш асослари**” номли дарслик;

3. “Физика ва математика” кафедраси доценти **Э.М.Нурматов** томонидан тайёрланган “**Физика курси**” номли ўқув қўлланма;

4. “Иқтисодиёт ва кўчмас мулк экспертизаси” кафедраси профессори **К.Б.Ганиев** ва доцент **Г.И.Ганиевалар** томонидан тайёрланган “**Оценка недвижимости**” номли ўқув қўлланма;

5. **Б.А.Ҳобилов** ва “Био-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти **У.Фахриддиновлар** томонидан тайёрланган “**Биолар ва иншоотлар зилзилабардошлиги**” номли ўқув қўлланма;

6. **А.А.Султонов, А.А.Тўлаганов, О.А.Мелиев, Д.Н.Шермамедов, С.О.Содиқова, Х.Қўлдошев** ва **А.Н.Назаровлар** томонидан тайёрланган “**Қурилиш материаллари ва металллар технологияси**” номли ўқув қўлланма;

7. “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **Ў.А.Мухаммадиев**, профессор **А.Н.Жабриев** ва **А.Б.Бектемировлар** томонидан тайёрланган “**Стратегик менежмент**” номли ўқув қўлланмани;

8. “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **Ў.А.Мухаммадиев**, профессор **А.Н.Жабриев** ва **А.Б.Бектемиров** ҳамда **У.Ч.Худойкуловлар** томонидан тайёрланган “**Менежмент асослари практикум**” номли ўқув қўлланмаларни “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи 2013” Республика танловида қатнашиш учун тавсия бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматов**нинг ахбороти тингланди.

#### Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Техника фанлари доктори, профессор, академик **Т.Ш.Ширинқулов**, техника фанлари доктори, доцент **К.Исмайлов** ва техника фанлари номзоди, доцент **А.Т.Қўлдашев**ларнинг 2012 йил “Тафаккур бўстони” нашриётида (Тошкент) чоп этилган “**Эластик пластинкалар ҳисоби**” номли ўқув қўлланма;

2. “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедраси профессори **А.Ўралов** ва бошқалар томонидан тайёрланган “**Архитектуравий лойиҳалаш асослари**” номли дарслик;

3. “Физика ва математика” кафедраси доценти **Э.М.Нурматов** томонидан тайёрланган “**Физика курси**” номли ўқув қўлланма;

4. “Иқтисодиёт ва кўчмас мулк экспертизаси” кафедраси профессори **К.Б.Ганиев** ва доцент **Г.И.Ганиевалар** томонидан тайёрланган “**Оценка недвижимости**” номли ўқув қўлланма;

5. **Б.А.Ҳобилов** ва “Бино-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти **У.Фахриддиновлар** томонидан тайёрланган “**Бинолар ва иншоотлар зилзилабардошлиги**” номли ўқув қўлланма;

6. **А.А.Султонов, А.А.Тўлаганов, О.А.Мелиев, Д.Н.Шермамедов, С.О.Содиқова, Х.Қўлдошев** ва **А.Н.Назаровлар** томонидан тайёрланган “**Қурилиш материаллари ва металлар технологияси**” номли ўқув қўлланма;

7. “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **Ў.А.Мухаммадиев**, профессор **А.Н.Жабриев** ва **А.Б.Бектемировлар** томонидан тайёрланган “**Стратегик менежмент**” номли ўқув қўлланмани;

8. “Қурилишда менежмент” кафедраси доценти **Ў.А.Мухаммадиев**, профессор **А.Н.Жабриев** ва **А.Б.Бектемиров** ҳамда **У.Ч.Худойқуловлар** томонидан тайёрланган “**Менежмент асослари практикум**” номли ўқув қўлланмаларга “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи 2013” Республика танловида қатнашиш учун тавсия берилсин.

III. Дарслик ва ўқув қўлланмаларни чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“Бино-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти **Ғ.Шукуров** ва **Д.Г.Исламовалар** томонидан “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва “Архитектура” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “**Қурилиш физикаси**” номли дарсликни чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Бино-иншоотларни лойиҳалаш ва сервис” кафедраси доценти **Ғ.Шукуров** ва **Д.Г.Исламовалар** томонидан “Бино ва иншоотлар қурилиши” ва “Архитектура” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “**Қурилиш физикаси**” номли дарсликни чоп этишга рухсат берилсин.

III. Дарслик ва ўқув қўлланмаларни чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

“Иссиқлик, газ таъминоти ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги” кафедраси катта ўқитувчиси **Ф.Н.Жамолов**, СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей “Жисмоний тарбия ва ЁҚТ” кафедраси доценти **З.С.Бобомуродов**, ўқитувчи **Р.Қурбонов** ва СамДУ “Зоология” кафедраси доценти в.б. **З.П.Раҳмоновалар** томонидан академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари талабалари учун тайёрланган “**Ҳаёт хавфсизлиги**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

Барча керакли ҳужжатлар илова қилинган.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Иссиқлик, газ таъминоти ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги” кафедраси катта ўқитувчиси **Ф.Н.Жамолов**, СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей “Жисмоний тарбия ва ЁҚТ” кафедраси доценти **З.С.Бобомуродов**, ўқитувчи **Р.Қурбонов** ва СамДУ “Зоология” кафедраси доценти в.б. **З.П.Раҳмоновалар** томонидан академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари талабалари учун тайёрланган “**Ҳаёт хавфсизлиги**” номли ўқув қўлланмани чоп этишга рухсат берилсин.

IV. Кафедраларнинг илмий мавзуларини тасдиқлаш тўғрисида.

**Эшитилди:**

2013-2014 ўқув йили давомида “Қишлоқ архитектураси” кафедрасида куннинг иккинчи ярмида бажариладиган “**Қишлоқ архитектурасининг замонавий муаммолари**” ва “**Ўрта Осиё архитектураси ва шаҳарсозлигининг Ўрта Асрлардаги долзарб масалалари**” каби илмий мавзуларни тасдиқлаш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

2013-2014 ўқув йили давомида “Қишлоқ архитектураси” кафедрасида куннинг иккинчи ярмида бажариладиган “**Қишлоқ архитектурасининг замонавий муаммолари**” ва “**Ўрта Осиё архитектураси ва шаҳарсозлигининг Ўрта Асрлардаги долзарб масалалари**” номли илмий мавзулар тасдиқлансин.

IV. Кафедраларнинг илмий мавзуларини тасдиқлаш тўғрисида.

**Эшитилди:**

2013-2014 ўқув йили давомида “Фалсафа” кафедрасида куннинг иккинчи ярмида бажариладиган “**Ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг фалсафий асослари**” номли илмий мавзуларни тасдиқлаш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

2013-2014 ўқув йили давомида “Фалсафа” кафедрасида куннинг иккинчи ярмида бажариладиган “**Ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашнинг фалсафий асослари**” номли илмий мавзуси тасдиқлансин.

V. Илмий-амалий мақолалар тўпламини чоп этишга рухсат бериш тўғрисида.

**Эшитилди:**

Маънавият ва маърифат бўлими томонидан тайёрланган “**Маънавият қалбим қуёши**” номли илмий-амалий мақолалар тўпламини чоп этишга рухсат бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади :**

Маънавият ва маърифат бўлими томонидан тайёрланган “**Маънавият қалбим қуёши**” номли илмий-амалий мақолалар тўпламини чоп этишга рухсат берилсин.

VI. “5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари” магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган Давлат таълим стандарти тўғрисида.

**Эшитилди:**

“Шаҳар қурилиши ва кадастр” кафедраси томонидан “5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари” магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган Давлат таълим стандартини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирилган кенгашига тавсия бериш тўғрисида илмий кенгаш котиби **Р.Т.Эшмаматовнинг** ахбороти тингланди.

**Илмий кенгаш қарор қилади:**

“Шаҳар қурилиши ва кадастр” кафедраси томонидан “5А340302 – Шаҳар транспорт хўжалиги ва алоқа йўллари” магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланган Давлат таълим стандартини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирилган кенгашига тақдим этилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов